

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ФАРЗАНДЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ



Ўтган жума кuni Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисни комиссия раиси, Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашид ҚОДИРОВ олиб борди. Йиғилишда комиссия аъзолари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари — вилоят комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари иштирок этдилар.

Мажлис кун тартибдаги асосий масала — Фарғона, Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва таълим муассасаларида вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, уларнинг соғлиги ҳамда ижтимоий муҳофазаси аҳолини ўрганиш натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзоси М.

Ҳожиматов маъруза қилди.

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, комиссия зиммасига шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилган. Шарафлилиги шундаки, мазкур комиссиянинг миллат келажаги бўлган ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдек муқаддас ишга бош-қош бўлишидир. Вазифанинг масъулиятлилиги ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда бар-

тараф этишдек вазифанинг юклатилганлигидир. Фахр билан айтиш мумкинки, қисқа давр ичида кўпгина вилоятларда ижобий ишлар амалга оширилган. Масалан, Андижон вилояти прокуратурасининг ташаббуси билан ўқимай, ишламай юрган вояга етмаганлар аниқланиб улар билан юзмаюз мулоқотлар уюштирилган. Уларнинг муаммоларини ҳал қилиш баробарида

кўпгина савоби ишлар қилинмоқда. Биргина Шахрихон ва Андижон туманларида, Андижон ва Асака шаҳарларида меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 2010 нафар вояга етмаганлар иш билан таъминланган.

Фарғона вилоятида ҳам ўсмирларнинг соғлиги ва таълим-тарбияси борасида анчагина ижобий ишлар қилинапти. Бу билан вилоятда ҳамма ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайди. Текширишда маълум бўлишича вилоятдаги айрим мактабларда ичимлик суви йўқлиги аниқланган. Яна бир муаммо, фарғоналик болаларнинг 6 фонизи оромгоҳларда дам олишади. Қолганлари ёз бўйи нима билан машғул бўлади? Бу муаммони вилоятдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия зудлик билан ҳал қилиши лозим.

Сирдарё вилоятида ўрнак

бўларли ижобий ишлар кўп. Ҳомийлар томонидан Гулистон шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи", Мирзаобод туманидаги "Болалар уйи" тарбияланувчилари 2,5 млн. сўмлик ёрдам ва "Дамас" автомашинасини совға сифатида олишган. Ердამчи хўжалик учун 2 гектар ер ажратилган. Бу ишлар яхши. Бироқ мавжуд камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Наманган вилоятида бир қанча нотинч оилалар рўйхатга олинган. Уларнинг фарзандлари вилоятдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия назоратига олинган. Лекин шунга қарамасдан вилоятда мактаб ўқувчилари ўртасида содир қилинаётган жиноятлар ўтган йилга нисбатан бирмунча ортган.

Текширишларда маълум бўлишича, Фарғона, Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги комиссиялар ҳеч қаерда ўқимасдан, ишламасдан юрган ўсмирларнинг бандлигини таъминлашнинг таъсирчан чораларини кўрмаган. Шунингдек, Ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи назоратчи фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар анчагина. Тахлиллар шуни кўрсатадики, айрим вилоятларда соҳага мутасадди кадрларни жой-жойига қўйишда ҳанузгача масъулиятсизлик давом этмоқда. Оқибатда, режадаги ишлар бажарилмай қолмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

НИГОҲ

БИТИМ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

5 июнь кuni Халқаро Қизил Хоч кўмитаси (ХҚХК)нинг Осиё ва Латин Америкасидаги фаолияти бўйича директори жаноб Жан Мишел Моно ва ХҚХКнинг Марказий Осиёдаги Минтақавий делегацияси раҳбари жаноб Ги Милледан иборат таркибдаги ХҚХК делегацияси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида қабул қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон томонидан Республика Бош прокурорининг ўринбосарлари Э.Жўраев ва П.Бобожонов, Республика прокуратурасининг бўлим бошлиқлари Б.Хўжаев ва Н.Файзуллаев, шунингдек Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг маданият, фан ва туризм бошқармаси биринчи котиби М.Абдуллаев иштирок этдилар.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқаро Қизил Хоч кўмитаси ўртасида тузилган ушланган ва ҳибсага олинган шахсларга нисбатан инсоний фаолият тўғрисидаги Битимнинг амалдаги ижросига доир масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув пайтида муҳокама қилинган бу ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон томони ва ХҚХК вакиллари ўзаро фикр алмашдилар.

Моҳият

Қонун лўнда
бўлиши керак,
токи уни оми
одамлар ҳам
ёдда тутсинлар.

СЕНЕКА

Ушбу сонда




ИХТИЛОФ

Вазиятнинг бу қадар ўзгариб кетишини кутмаган Гулнора ҳўнграб йўғлаб юборди:
— Қайноғам қотил!
Эримнинг қотили!

8-бет.

"Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги олдида" рўкни остида вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар прокуратурасининг фаолияти ҳақида туркум мақолалар беришга жазм қилдик. Таҳририятимизнинг бугунги меҳмонлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти прокуратураси идоралари.

3-4-5-6-бетлар.



12-бет.

ЧАГАЕВ
ЖАҲОН
ЧЕМПИОНИ

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon XudoyberganovGazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar e'galariga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahmiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketiGazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonalar manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.Buyurtma T - 2549
Nusxasi — 20609Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 20.30Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:

H. NISHONOV

Navbatchi: N.NAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

ФАРЗАНДЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Маърузада тилга олиб ўтилган масалалар юзасидан Фарғона, Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси раислари ва вилоят прокурорлари тушунтириш бердилар. Комиссия раиси, Республика Бош прокурори Р.Қодиров йиғилишга яқун ясар экан, вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда юқориди тилга олинган вилоятлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг фаолиятларида ютуқларни эътироф этгани ҳолда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилмаётганини таъкид қилди. Бундан кейин улар ўз ишларида туб бурилиш ясашлари зарурлигига эътиборни қаратди.

— Ёз фарзандларимиз учун дам олиш мавсуми. Бу мавсум биз катталарни ҳам синовдан ўтказди. Миллионлаб ўқувчилар ёзги таътилга чиқди. Уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун вилоятлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар шу соҳага мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашлари керак.

Оромгоҳларимиз фақат соғломлаштириш ва ҳордик маскани бўлиб қолмай, балки таълим-тарбиянинг муҳим ўқоғи ҳам бўлмоғи зарур. Жиноятнинг бош сабабчиси — бекорчилик эканлигини унутмаслигимиз керак. Бекорчиликка барҳам берилган жойдагина, жиноятчи-



ликнинг илдизига болта урилади, — деди Бош прокурор сўзининг сўнгига.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишдан сўнг бир неча иштирокчиларнинг кун тартибидagi масала хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашдик.

Шўхрат Жалилов, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси:

— Йиғилиш давомида юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши керак» деган сўзлари хаёлимда бот-бот такрорланди. Бу юртда яшаётган ҳар бир ўғилда бахтли яшашга ҳақли. Бунинг учун биз катталар масъул эканлигимизни бир дам ҳам унутмаслигимиз лозим. Тўғри-

си, ўринли танқидлар бўлди. Уларнинг кўпчилиги бизга ҳам тааллуқли. Энди улардан хулоса чиқарадиган вақт келди. Ўз фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, юртимизда 9 мингта маҳалла қўмиталари фаолият кўрсатаёпти. Ниятимиз ҳар бир маҳалланинг ўз футбол командаси ва ўйингоҳини ташкил қилиш. Ниятларимиз улуг. Албатта бунга эришамиз.

Ғафур Барноев, Наманган вилоят прокурори:

— Қаердаки тарбия иккинчи даражали ишга айланса, ўша жойда жиноят содир бўлади. Бунга ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Аччиқ бўлса-да ҳақиқатни айтиш керак. Вилоятимизда мактаб ўқувчилари ўртасида содир қилинган жиноятлар ўтган йилга нисбатан 37 фоизга ошган. Бунинг учун айбдорлар ўз жазо-

сини олади. Бизнинг галдаги вазиғамиз хатолардан хулоса чиқаришдир. Фарзандларимиз — миллатимизнинг эртаси. Шундай экан, уларнинг тарбияси, соғлиғи ва таълимидан муҳимроқ ишнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Улуғ мақсадларга эришиш учун барча мутасадди ташкилотлар биргаликда курашишимиз лозим.

Қудратилла Ибайдуллаев, Андижон вилоят ҳоқими ўринбосари:

— Йиғилишда камчиликлар жиддий таҳлил қилинди. Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин имкон даражада ишлаяпмиз. Андижон шаҳридаги «Чўлпон» кинотеатрида «Ёшлар маркази» ни ташкил қилдик. 4 ой орасида 6 мингга яқин ёшлар билан юзма-юз мулоқот ўтказдик. Уларнинг қизиқиши ва ҳаётий муаммоларини ўргандик. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Энг оғриқли муаммо — ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳайвоноти, бекорчиликка барҳам берилган жойда жиноят бўлмади. Вояга етмаганлар ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун ота-она, маҳалла ва мактаб билан бир ёқдан бош қилиб ишлашимиз керак. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришилади.

З. МАМАДАЛИЕВ,
«Хуқуқ» муҳбири

Суратлар муаллифи А. ТўРАЕВ

ТАДБИР**ҲУҚУҚИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ**

ФАРҒОНА вилоят прокуратурасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят прокурори Ю. Абдукаримов жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг муштарак вазиғаларига тўхталиб ўтди. Шундан сўнг вилоят прокурори ғалла ҳосилини йиғиб давлатга топширишда талон-тароқчиликнинг олдини олиши, фермер хўжалиқларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, ёзги таътилда вояга етмаганларнинг банд этиши, ишсизлик муаммоси, шунингдек диний экстремизм, гиёҳванд моддалар, товар моддий бойликларни республикамиздан ташқарига олиб чиқиш билан боғлиқ жиноятларни бартафат этиш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари олиб бораётган ишларни шарҳлаб берди. Ижтимоий ҳимояга доир қонунлар ижросида жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди.

Ҳуқуқий билимсизлик, лоқайдлик, бефарқлик жиноятларга шарт-шароит туғдиради. Чунончи, ҳуқуқролар ҳақ-ҳуқуқларини билмаганлари тўғрисида етарли асосларсиз маъмурий жавобгарликка тортилаётган ҳолатлар учраёпти. Шундай бўлса-да, камдан-кам ҳуқуқролар ҳуқуқларини тиклаш учун судларга мурожаат қилишяпти. Ҳуқуқроларга қонунларни, ҳуқуқларини етказишимиз, уларнинг ҳуқуқий фаол бўлишларига эришишимиз лозим.

Вилоят прокуратурасининг меҳнат ва бандлик қонунлари ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти ўз самарасини берди. Қисқа фурсатда аниқдан ишсизларнинг қарийб ярми иш билан таъминланди ёки жамоатчилик ишларига жалб этилди. Вилоят прокуратураси иш ҳақи тўловлари муаммосини қарийб тўлиқ ҳал этди. Йил бошида иш ҳақидан қарздорлик 1 миллиард 141 миллион сўм бўлган бўлса, ҳозирга келиб 66 миллион сўмигина тўланмай турибди. Бу қарзни ҳам тўлиқ ўндириш чоралари кўриляпти.

Ҳуқуқроларнинг ҳуқуқий фаоллигига эришиш, уларда даъвогарлик ҳиссини уйғотиш оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий мавзуда чиқишларининг бош йўналиши бўлиб қолса айни муддао бўлар эди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

КЕНГАШЛИ ТҶЙ ТАРҚАМАС

ЎТГАН ҳафтада Тошкент шаҳар прокуратураси ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг идораларо мажлиси бўлиб ўтди. Унда жиноятчилик, шу жумладан, қотиллик жиноятларининг олдини олиш борасида олиб борилаётган профилактик ишлар самараси кўриб чиқилди.

Мажлисни Тошкент шаҳар прокурори М.Наимов кириш сўзи билан очди ва сўнгги йилларда пойтахтимизда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб, бу борадаги ютуқлар билан бирга, қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмаётганини таъкидлади.

Чунончи, пойтахт ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бўлиб чиқилган режа ва чора-тадбирлар ўз вақтида бажарилган. Натижада шаҳарда умумий жиноятлар ўтган йили 1999 йилга нисбатан 8,9 фоизга камайган. Жумладан, номусга тегиш, босқинчилик, автотранспорт воситаларини олиб қочиш, безорилик ва бошқа тоифадаги жиноятларнинг камайишига эришилган.

Аммо айрим туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг бу борадаги фаолиятлари жиддий нуқсон ва камчиликлар борлиги сабабли, ўтган йили шаҳарда оғир ва

ўта оғир жиноятлар сони ошган. Йиғилишда Акмал Икромов, Юнусов, Мирзо Улуғбек, Сирғали, Бектемир, Миробод, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов ва Яққасарой туманларида бу йўналишда олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги кескин таъкид қилинди.

Жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида айрим жиноятлар сонини камайитиришга эришилган бўлса-да, аҳолини қониқарли деб бўлмади. Қотиллик жиноятига қарши курашиш ва унинг олдини олиш, жиноятчи фощ этиш, жазо муқаррарлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермади. Ичкилик бўлиқ ва гиёҳвандчиликка муқассидан кетганлар, нотинч оилалар ҳамда муқаддам судланганлар билан олиб борилаётган профилактик ишлар тўғрисидаги қонунчиликнинг амалда қилинмаган. Натижада улар томонидан бир қатор жиноятлар содир этилган. Йиғилишда жиноятчилик ва унинг олдини олиш борасидаги ишларни тақомиллаштириш, профилактик ишларни янада кучайтириш, ҳоқимият, ўз-ўзини бошқариш идоралари, корхоналар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар орасидаги бевосита ҳамкорлигини янада кучайтириш, оғоҳликни бир дақиқа ҳам унутмаслик лозимлиги яна бир бор эслатиб ўтилди.

(Ўз муҳбиримиз.)



САҲИФАЛАРИМИЗДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ



Улуғбек ИНОМЖОНОВ,
Тошкент вилоят
прокурорининг биринчи
ўринбосари

Халқимиз ҳадемай мустақилликнинг ўн йиллигини кенг нишонлайди. Асрларга татигулик 10 йил ичида ҳар биримиз босиб ўтилган улуг йўлга назар соламиз. Деҳқон ҳам, чорвадор ҳам, ижодкор ҳам нималарга эришди, қандай имкониятларни бой берди? Бугун бу саволлар барчани ҳуло-са чиқаришга ундайди. Республика прокуратураси идораларида ҳам 10 йил ичида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда катта тажриба тўланди. Тахририятимиз уларнинг фаолиятини "Қонун ҳимоясида" журналида, "Ҳуқуқ" газетасида батафсил ёритиб бормоқда. Кўплаб муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги олдинда" рўқни остида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратурасининг фаолияти ҳақида туркум мақолалар беришга жазм қилдик. Тахририятимизнинг бугунги меҳмонлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти прокуратураси идоралари.

МУСТАҚИЛЛИК — бу миллий давлатчилик қуриш ҳуқуқидир. Аввало, истиқлол туфайли ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди. Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳуқуқий, миллий давлатчилигини барпо этишга эришди. Дарвоқе, юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, юртимиз озодлиги халқимизнинг кўп минг йиллик тарихидаги буюк воқеадир.

Истиқлол туфайли бизнинг олдимизда катта тарихий имкониятлар пайдо бўлди. Босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолашни ўргандик. Миллий давлатчилигимиз негизларини аниқладик. Буюк маданиятимиз, қадимий меросимиз илдиэларига қайтиб, ўтмишдаги бой сиёсий-ҳуқуқий анъаналаримизни мустақил, адолатли фуқаролик жамияти қуришга татбиқ этиш бахтига муяссар бўлдик. Мустақиллик йилларида барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги ва қонун устуворлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам асоси яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган залворли ўзгаришларнинг барчасига ана шу ҳуқуқий асос сабаби бўляпти, дейишга ҳақимиз. Яъни, давлатимизнинг жаҳон андозаларига мос конституцияси ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Эндиги вазифа Конституцияимизда белгилаб қўйилганидек, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришимиз керак. Албатта, бу борада муайян қадамлар ташланди. Конституцияимизни ҳам, миллий қонунчилигимизни ҳам мустақилликинг самараси деб бемалол айтиш мумкин. Шунинг ўзидек ҳар бир юртдошимизда ифтихор туйғусини тугдириши табиий.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакат тараққийотининг бешта асосий тамойили ҳам ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу тамойиллар асосида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очиб берилди. Жаҳон бозорига йўл очилди. Нуфузли давлатлар, халқаро молиявий муассасалар, фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин,

демократик жамият қуриш бўйича биз танлаган йўлни хорижликлар ҳам таң олди. Натижада ўзаро ишонч пайдо бўлди. Мамлакатимиз иқтисодиётига ҳет эл сармоясини жалб қилиш имконияти кенгаймоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонни танитиш даври босқичини босиб ўтдик. Бугун Ўзбекистон давлати халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилиш йўлига кирди ва бу борада муайян натижалар қўлга киритилмоқда. Бу юртимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида эришган катта ютуқларимиздан биридир.

Ҳуқуқимиз ёшларга—қељағимиз эгаларига алоҳида эътибор қаратмоқдаки, бу ҳол қељағимиз буюклигини янада яққолроқ кўрсатади. Маълумки, мамлакат, давлат истиқболини ёшлар белгилайди. Шундай экан, ёшларга зарур билим ва тарбияни беришимиз лозим. Шубҳа йўқки, академик лицей ва коллежаларнинг вужудга келиши мазкур йўлдаги муҳим қадамлардан биридир. Чунки, чинакам маърифатли инсонгина миллат қадриятларини, ўзлигини англаб, Ватанимиз фахри сифатида, жаҳон ҳамжамияти олдида ўз сўзи, ўз ўрни бўлиши учун фидойилик билан курашади.

Биз бугун шундай ёшларни тарбиялашга киришдик. Бунга вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ишини қайта ташкил этилганлигини ҳам мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Комиссия раиси қилиб Республика Бош прокурори Рашид Қодировнинг тайинланиши прокуратура ходимларига бу борадаги ишларини янада жонлантириш талабини қўяди. Назаримда, бу энг тўғри йўллардан биридир. Негаки, қељағ эгалари ёшлар экан, ўз-ўзидан вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини амалда таъминлаш ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Бу ўз навбатида ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муҳим шартларидан биридир. Демак, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини амалда таъминлашни янада жонлантиришимиз лозим.



Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар
прокурорининг биринчи
ўринбосари

МУСТАҚИЛЛИК ФАРОВОНЛИК, ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТДИР

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 йилли тарихан жуда қисқа давр бўлса-да, шу йиллар давомида амалга оширилган ишлар асрларга татигуликдир. Президентимиз белгилаб берган мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўли унинг бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишини таъминлади. Эндилкида ҳар бир фуқаро қалбида она-Ватан, маънавиятимиз, маданиятимиз ва тарихимиздан гурурланиш, миллий гурур туйғулари мустаҳкам жой олди.

Мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини берди. Маълумки, ҳеч бир халқ ўз қонунларига эга бўлмай туриб, ўз тақдирини ўзи белгилай олмайди.

Шўро тузуми қонунларида, хусусан, Конституциясида ҳар бир республика исталган вақтда алоҳида давлат сифатида ажралиб чиқиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, амалда бундай ҳуқуқдан маҳрум эдик.

Бугун барча жабҳаларда ислохотлар кетаяпти. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қадам-бақадам эришилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг прокуратура идоралари ҳам сиёсий мафурадан холи этилиб, у фақат Ўзбекистон қонунларига бўйсунуши ҳамда уларнинг ижросини назорат этиши расман жорий қилинди.

Инсоният борки, жиноятчилик ҳам бор. Чунки "беш қўл баробар эмас". Жиноятчиликни келтириб чиқарувчи омиллар турлича, кишиларнинг жиноят йўлига кириб кетишида у тарбия толган оила, маҳалладаги ва ишхонасидаги маънавий муҳит, атрофдаги тенгқурлари, дўстлари, қариндош-уруғларининг

салбий таъсири катта бўлади. Шу боис, ҳар бир жиноятнинг содир этилиш сабабини, шахсини жиноятга ундаган шарт-шароитни ўрганмасдан туриб, жавобгарликни белгилаш собиқ тоталитар тузумга хос хусусият эди.

Мустақиллик бу андозани чокчокидан сўкиб юборди. Энди жиноятчиликнинг ижтимоий келиб чиқиши ва аҳволи, ёши, касби ва бошқа ҳолатларини чуқур таҳлил этиб, аниқ сабаблардан келиб чиққан ҳолда жазо белгилаш билан бир вақтда, жиноят келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу Ўзбекистон Конституциясида кафолатланган инсон ҳуқуқларининг амалда намоеън бўлишидир.

Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жамиятда жиноятчиликка қарши кураш, жиноятни очиш ҳамда ҳеч бир жиноятчининг жазосиз қолмаслигига эришиш, шунингдек, қонун олдида ҳамминанг бир хил мавқега эгаллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Тошкент ша-

ҳар прокуратурасида мазкур омилларни ҳисобга олган ҳолда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда Дастурлар ишлаб чиқилиб, ишлар шу асосда ташкил қилинган.

Бундан ташқари, инсоннинг баркамол бўлиб етишишида оила ҳамда маҳаллаларнинг аҳамияти жуда катта. Шу боис давлатимиз миллий мустақиллигини қўлга киритган, оила, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш устидан назорат қўнайтирилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар тарбиясида жамоатчиликнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда ишлаб чиқилиб, улар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида фаол ҳамкорлик ўрнатилди.

Таъкидлаганидек, мустақиллик

ҳуқуқларнинг амалда намоеън бўлиши экан, Бош қомусимизда фуқаролар ҳам давлат олдидаги бурч ва вазифаларини бажариши шартлиги, давлат ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши белгиланган.

Бу ҳуқуқий-демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли прокуратура идоралари Конституция, "Прокуратура тўғрисида"ги ва бошқа қонунларимизни асос қилиб олган ҳолда, халқимизнинг оёйишталиги, тинчлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, бузилган ҳуқуқларини тиклашни, айна вақтда, уларнинг яшаш, меҳнат қилиш ва дам олишини таъминлашни ўз фаолиятининг асосий мезони деб ҳисоблайди.

Негаки, қонун устувор бўлган жамият ривожланади, давлат тараққий этади. Амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлардан қўзланган мақсад шунга қаратилган. Бу истиқлолнинг бизга берган энг мўтабаб неъматларидан биридир.

Ўзбекистон аграр мамлакат ва табиийки аҳолисининг асосий қисми ҳам шу соҳада хизмат қилади. Ҳукуматимиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, соҳада хизмат қўлаётган аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш борасида кўплаб муҳим тadbирларни амалга оширмоқда. Айниқса, ҳўжаликлари замонавий техникалар билан таъминлаш борасидаги ишлар самарали бўлаётди. Хориждан замонавий техника келтириш билан бирга уларни ўзимизда ишлаб чиқариш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Қисқа вақт ичида бу йўналишда ютуқларга ҳам эришилди. Ҳўжаликларга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси берилган техникалар етказиб берилаёпти. Аммо бу эски техникалардан фойдаланишни тўхтатиш, уларни қаровсиз қолдириш керак дегани эмас. Аксинча, бугунги шарт-шароит техникалардан янада самарали ва унумли фойдаланиб, уларни имкон қадар асраб-авайлашни талаб қилмоқда. Минг афсуски, ораимизда хали ҳам янги шарт-шароитда ишлагани ҳохламаётган, вазифасига эътиборсизлик билан қараётганлар йўқ эмас. Оҳангарон тумани прокуратураси томонидан мутахассислар иштирокида қишлоқ ҳўжалиги техникаларини сақлаш ва фойдаланиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан "Ангрен", "Оҳангарон", "Дўстлик" ширкат ҳўжаликлари, "Ўзбекистон", "Бирлик" жамоа ҳўжалиги ҳамда "Олмалик" ёрдами ҳўжалигида текширув ўтказилганда, маъмур ҳўжаликларда техникаларни сақлаш ва фойдаланиш бўйича белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинмаётгани, бу

ТЕХНИКАГА ҚАСД ҚИЛАЁТГАНЛАР

борада қонунбузарликларга йўл қўйилаётганини аниқлади. Жумладан, айрим раҳбар ва механизаторлар техникаларни қаровсиз қолдириб, биринчи навбатда ўз ҳўжалигига, қолаверса, чўнтагига зарар етказиб қўйганини аниқлаётган кўринадди. Бу ҳам етмаганидек, тартиб-қоидага зид ҳолда айрим механизаторлар тракторларни "шахсий мулк" сифатида ўз уйида сақлаб, улар бир кун келиб бу техника ўзиники бўлиб қолишига умид қилган бўлса, ажаб эмас. Тўғри-да, ҳўжалиқда мавжуд техникалар нечталиги ва қаерда сақланаётганидан беҳабар айрим раҳбарларни чўв туширишдан осони йўқ.

Албатта, ораимизда техникалар

ташқарида сақланса сақланибди-да, турган-битгани темир бўлса, ейлиги қолармиди, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Аммо, мутахассислар очик ҳавода сақланган техникаларни текшириб, уларнинг ишлаш қуввати тартиб-қоида асосида сақланган техникаларга қараганда анча камайганини ва айрим қисмлари чирий бошлагани

ни аниқлади. Энди у ёғини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг.

Текширишлар давомида маъмур ҳўжаликларда ёқилги маҳсулотларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, уларни сақлаш ва тарқатиш бўйича ҳам жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Натихада кўплаб механизаторлар керагидан ортиқ дизел ёқилгиси ва бензин сарфлаб, ҳўжаликларга моддий зарар етказган.


Энг ёмони — ҳўжаликлар бош муҳандислари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги техникалари бўйича ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ҳисобчилар хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошиб, бензин ва дизел ёқилгиси сарфланиши қайд этиладиган ҳужжатларни ўз вақтида ўрғиниб, таҳлил қилмаган. Ортиқча ёқилги сарфлашга йўл қўйган ҳайдовчиларни белгиланган тартибда моддий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинмаган.

Туман прокуратураси томонидан юқорида қайд этилган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича туман ҳокими ва ҳўжалик раҳбарлари номига тақдирномалар киритилиб, айбдорларга нисбатан моддий ва интимиозий жавобгарлик чоралари қўллаш талаб қилинди. Шунга кўра, инженер-техник ходимлардан 15 нафар интимиозий, 46 киши эса белгиланган тартибда моддий жавобгарликка тортилди. Олти нафар ҳўжалик раҳбари бундай қонунбузилишга йўл қўймадик ҳақида огоҳлантирилди.

Ҳошимхўжа НАБИЕВ,
Оҳангарон тумани прокурори



Суратда: Туман прокурори Ҳ. Набиев жамоа ва ширкат ҳўжаликлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказмоқда.



Тошкент фаввораси.

ЕВРОПА давлатларида қайд қилинган қорамоллардаги оқсил касаллигининг республикамиз ҳудудида тарқалишига йўл қўймадик чоралари юзасидан кўпгина ишлар қилинмоқда. Биз бу чора-тадбирлар пойтахтимизда қандай амалга оширилаётгани тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Тошкент шаҳар ҳокимининг маъмур фармойиши ва қароридан сўнг бу борадаги ишлар янада жонланган. Тошкент шаҳар эпидемияга қарши кураш факултетида комиссияси тadbирлар бажарилишини назоратга олиб, Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармаси томонидан туман ветеринария бўлимлари, санитария назорати марказлари билан ҳамкорликда қолбаса ишлаб чиқариш, терини қайта ишлаш қорхоналари ва умумий овуқланиш тармақларида ветеринария назоратини ўрнатиш, ветеринария-санитария экспертизасидан ўтмаган гўшт маҳсулотларини таъқиқлаш юзасидан кўрсатмалар берилиб, шаҳар ҳудудидаги бозорларда ветеринария-санитария постлари ташкил қилинди, ветеринария маълумотмаси бўлмаган гўшт ва гўшт маҳсулотларини соттирмадик, сотувчиларни маъмур иш қийимсиз савдо қилишига йўл қўймадик устидан назорат кучайтирилган. Шаҳар ҳудудидаги 249665 хонадонларда япди текширув ўтказилиб, мавжуд 13587 бош йирек ва 13882 бош майда шохли моляар оқсил-касаллигига қарши эмланди.

Кўшни республикаларда юзага келган аҳволни ҳисобга олиб, четдан республикамиз ҳудудида истеъмолга яроқсиз гўшт маҳсулотларни кириб келишининг олдини олиш ва ҳозирда аниқланган бундай маҳсулотларни савдодан олиб ташлаш ва зарарсизлантириш

ЁМОННИНГ КАСОФАТИ

Халқимизда, яхшининг — шарофати, ёмоннинг — касофати деган ҳикматли нақл бор. Яъни, дили пок кишиларга эргашсанг, ҳамини эзгу ишларга йўлдош бўласан, ёмон ниятларга эргашсанг улар сени ёмонлик сари етаклайди. Гапимнинг исботи сифатида куйидаги мисолни келтирмоқчиман.

1954 йилда туғилган, олти фарзанднинг онаси Марҳамат Ваҳобова ҳам ёмонга йўлиқиб, энди умрбод изтироб чекади. Бироқ афсуски кеч... Утган йилнинг 25 август кунини Самарқанд вилоятидаги "Ургут" бозорида атлас сотиб турганида ёши эллик-эллик бешлар атрофидаги бир аёл мато олиш истагини билдирди. Оз эмас, кўп эмас 24 метр атласни уч ярим минг сўмга олади-ю, бир айланиб келиб қолган пулнинг ўрнига ғалати "дори"ни Марҳаматга узатади.

—Йигирма йилдан буён шу дорини ичаман, — сўз қотди нотаниш харидор, — ўзиям жудда қиммат дори, лекин роса фойдали. Сизда гаров сифатида турсин. Мен ҳозир қолган пулни етказаман...

Шундай деганича шубҳали харидор кўздан ғойиб бўлади. Пулнинг қолганини кўзи тўрт бўлиб кутган Марҳамат харидор қайтиб келса, шу "дармондори"дан озроқ онасига ҳам олишини хаёлидан ўтказди. "Меҳрибон" харидордан кунини бўйи дарак бўлмагач, Марҳамат унинг "бу дорини йигирма минг сўмга ҳам бемалол сотса бўлади", деган гапларини эслаб йўлга чиқади.

Эртаси кунини Тошкентдаги Қўйлик бозорида узум сотаётган Марҳаматдан милиция ходимлари шахсий ҳужжатларини кўрсатишини сўрашди. Паспортнинг амал қилиш мuddати 6 кун ўтиб кетгани боис М.Ваҳобова милиция ходимлари билан ички ишлар бўлимига боради. Текширув чоғида Марҳаматнинг ёнидан 10,15 грамм микдорда героин моддаси топилади. Аёл ушбу модданинг героин эканидан беҳабарлигини, уни Самарқанддаги "Ургут" бозорида нотаниш бир харидор пулнинг эвазига гаров тарзида ташлаб кетганини айтади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: наҳотки, Марҳамат унинг гиёҳванд модда эканлигини билмаган бўлса?

М.Ваҳобова суд жараёнида ўз айбига иқдор бўлиб қаттиқ пушаймон эканини билдирди. Шу билан бирга гувоҳлар Н.Маджозова, Г.Пердешова, О.Ли, З.Нурматовларнинг кўрсатмалари ҳамда дастлабки тергов даврида тўпланган ҳужжатларга мувофиқ аниқланган ҳолат жиноят эканлиги аён бўлди. Суд жараёнида М.Ваҳобовага жазо тайинлашда унинг шахси, яъни муқаддам судланмагани, оилавий аҳволи, олти фарзанди борлигини, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва хусусияти инобатга олинди. Судланувчининг айбини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмади. Суд ҳукмига кўра М.Ваҳобова 10 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳозирги кунда Марҳамат каби аёллар бозорларда кўп учрайди. Уларнинг осон пул топиш йўлида оиласига, ўзига, ватанига хиёнат қилаётгани ачинарли ҳол. Уйда фарзандлари тарбияси билан шуғулланаётган оналар билан кўча-кўйда пул топиш олинида юрган аёл ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Жамиятга қай бирининг кўпроқ фойдаси тегиши ҳақида гапирмасак ҳам бўлар...

А. КАРАТКЕТОВ
Ҳамза туман прокурори ўринбосари,
Н. РАВШАНОВА,
журналист

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ


ишлари ҳам олиб борилмоқда. Қонунларни бузган 5163 нафар шахсга нисбатан назорат органлари ходимлари томонидан 5,4 млн. сўм микдорда жарима солинди.

Пойтахтимизнинг барча туманларида бу борада назорат ўрнатилган. Жумладан, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Бектемир туман давлат санитария эпидемиология назорати марказлари оқсил касаллигини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида текширишлар ўтказмоқда.

Чилонзор туманида ўтказилган текширишларда 137 нафар шахслар томонидан қонунбузилиш ҳоллари аниқланди. Гўшт ва сўт маҳсулотлари билан савдо қилиш қорхоналарида, бозорларда 131 мартаба текширишлар ўтказилди, 6 та ошхонанинг фаолияти вақтинча тўхтатилди, 47 кг. сўт маҳсулотлари санитария нормаларига жавоб бермаганлиги учун савдодан олиниб зарарсизлантирилди, мансабдор шахсларга нисбатан 440 минг сўм микдорда жарималар солинди. Бундай ҳолатларни биз "Эски жўва" деҳқон бозорида ҳам кўришимиз мумкин. Савдо ва санитария қоидаларига риоя қилмаган 10 нафар фуқарога нисбатан маъмурий чоралар қўлланди.

Ҳозирда катта муаммолардан бири бўлиб турган оқсил касаллигининг республикамизга кириб келишининг олдини олиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

С.АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори



КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Хар гал ёшлар истикболи ҳақида ўйлаганимда Президентимизнинг "Хар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тугган ўрни, макеи ва шўхрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқ" деган сўзлари ёдимга тушади ва ушбу сўзларнинг мағзини қақиб, мамлакатимизда ёшлар масаласи беҳиз давлат сийсати даражасига кўтарилмаганига амин бўламан. Қолаверса, фарзандларимизнинг бугунги салоҳияти, таълим-тарбия олишга бўлган иштиёқи эртанги кунимиз қандай бўлиши белгиланган. Шу сабаб, муштақилликнинг илк кунларидан бошлаб бу масалага жиддий эътибор қаратилди. Вазирилар Маҳкамасининг ўтган йилнинг сентябрида қабул қилинган "Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори ҳам бу борада олиб борилган чора-тадбирларнинг узвий давомидир.

Бўстонлик туманида мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокимлиги қошидаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси таркиби қайтадан тузилди. Унга Ватан келажаги,

фарзандлар истикболи учун жон куйдириб ишлайдиган ёшлар жалб қилинди. Комиссия ўз фаолиятини тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими ва меҳнат бўлими, шунингдек, маҳаллалар билан алоқаларни янада кенгайтиришдан бошлади. Бу йўналиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилди.

Дастурларда ўқимай, ишламай юрганларни аниқлаш, уларни яна мактаб кўчюғига қайтариш ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш энг муҳим вазифа қилиб белгиланди. Чунки воёга етмаганлар ўртасида содир этилаётган қонунбузарликлар айнан бекорчи ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Дастлаб шундай болалардан 83 нафари аниқланди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказилиб, ишга ва касб ўрганишга бўлган лаёқати ўрганилди. Шундан сўнг тумандаги қорхона ва ташкилотлар, ҳўжа-ликлар кўмағи билан уларнинг 53 нафари ишга жойлаштирилди. 30 нафари ишсизлик мақоми берилди ва 11 нафари турли касблар бўйича ўқишга жўнатилди. Қолганлари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Шунингдек, туман ички ишлар бўлимининг воёга етмаганлар нозирлари рўйхатида туредиган 36 боладан 5 нафари мактабга қатнамаётгани аниқланди. Улар билан ҳам суҳбатлар ўтказилиб, сабаблари ўрганилди. Натижада болаларнинг барчаси мактабга қайтарилиб, ҳар бир болага масъул кишилар бириктириб қўйилди.

Шу ўринда, туман меҳнат бўлимининг воёга етмаганлар комиссияси билан ҳамкорликда ёшларни касбга ўқитиш борасида олиб бораётган савъ-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш

зарур. Уларнинг ташаббуси билан Кўшқўрган қишлоғида фермер ҳўжаликлари учун ҳисобчилик ҳамда Абай номи ширкат ҳўжалигида боғ-бонлик курси ташкил қилинди. Ҳозирда мазкур курсларда эллика яқин бола таълим олмақда ва уларнинг бўлажақ иш жойи олдиндан тайин қилиб қўйилган.

Маълумки, фарзанд дастлаб оила муҳитида тарбия топади, юриш-туриши, кўчакуйдагиларга қандай муносабатда бўлишни ўрганади. Оиланинг муқаддас даргоҳлиги ҳам шунда. Бирок сўнги пайтларда ўз фарзандлари тарбиясига эътиборсиз ота-оналар ҳам қўллаб топилмоқда. Туман воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси шундай ота-оналар билан жиддий шуғулланишни муҳим вазифа сифатида белгиледи. Туман прокуратураси воё-

га етмаганлар комиссияси билан ҳамкорликда фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарни аниқлаш юзасидан текширув ўтказганда тўрт нафар ота-она ўз болалари таълим-тарбияси билан умуман шуғулланмаётганини аниқлади.

Жумладан, Ҳазалкент шаҳрининг Марказий маҳалласи фуқаролари эрхотин М.Темиров ва Д.Темировлар фарзанди Сардорнинг тарбиясига эътибор бермай, уни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Натижада Сардор мактабга қатнамай, кўчаларда дайдиб юрган. Ушбу маҳалланинг яна бир фуқароси С.Ибрагимова ҳам фарзандига шундай муносабатда бўлган.

Чорбоғ қўғонининг Бештут маҳалласида истиқомат қилаётган Г.Миразимова 1995 йилда туғилган А.Бурлибаевни фарзандликка олганда ҳамма қувониб, бундай оналар номига таҳсинлар ўқиган эди. Аммо Гулнора ордан кўп вақт ўтмай, Азаматнинг таълим-тарбияси билан шуғулланмай, уни моддий жиҳатдан таъминламаётгани маълум бўлди. Бу ҳам етмагандек, у оилавий шароити оғирлашганини вақт қилиб, ўғлидан бош тортган ва уни воёга етмаганлар нозирига ташлаб кетган.

Комиссия бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман прокуратураси билан биргаликда маҳаллаларда ҳам текширув ўтказди. Аниқланишича, қўллаб маҳаллаларда воёга етмаганлар билан ишлаш умуман йўлга қўйилмаган экан. Айримларида эса ишлаб чиқилган режалар ўз вақтида бажарилмаган.

Жумладан, бундай ҳолатни Ҳазалкент шаҳридаги "Маърифат" маҳалласида кўриш мумкин. Маҳаллада "Оналар ва болалар" йилида амалга оширилиши белгиланган тадбирлар ўтказилмаган. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳисобга олиш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш, дарсларга бормайётган болаларни аниқлаш бўйича ҳеч қандай ишлар бажарилмаган. Текширишларда маҳалланинг 9 нафар воёга етмаган болалари ҳеч қаерда ўқимасдан, бекорчиликда кун кечираётгани аниқланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Расул ЖўРАЕВ,
Бўстонлик тумани прокурори

АМРНОМАЛАР КИРИТИЛДИ

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан олиб борилган таҳлиллар натижасида "Ўзёғмойтмама-хисаноат" уюшмасининг Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган қорхоналарида унинг бажарилиши талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Жумладан, "Шунқор-Қарвон" шўъба қорхонасида Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун қорхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талаблари бажарилмаган. Бунинг оқибатида 560 минг сўм муддати ўтган дебиторлик қарзи юзага келган ва бу қарзларни ундириб олиш учун қонуний чора-тадбирлар қўрилмаган. Шунингдек қорхона раҳбари муовини Б.Ҳожимуратов ва 6-дўкон мудри Ж.Ҳамдамовлар ўз хизмат вазифаларини етарли даражада бажармаганликлари оқибатида қорхонага тегишли дўконларда қонун бузилиш ҳоллари рўй берган. Юқорида келтирилган қонун бузилиш ҳолларини "Равшан" ОАЖ, "Ёғмойтмаминот" ОАЖ ларда ҳам кузатилди. "Лабзак-ком" шўъба савдо ишлаб чиқариш жамиятида ҳам аҳвол яқши эмас. Жамиятда жорий йилнинг май ойи ҳолатига кўра 25555 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлса-да, бу ҳолат юзасидан жамият раҳбарлари томонидан қарзни ундириш чоралари қўрилмаган. Жамиятнинг дўкон мудирлари В.Қарабаев, Ш.Раҳимовлар ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари натижасида, дўкон оғборхоналарида қундалиқ тозалаш ишлари олиб борилмаган, зарарсизлантириш воситалари йўқ, иши кийим-бошлар етарли эмас, ишчилар тиббий кўриқдан ўтишмаган, дўкон оғборхоналарида сақлаш муддати ўтган маҳсулотлар борлиги маълум бўлди.

Уюшманинг энг катта қорхоналаридан бири бўлмиш "Тошмаргёғ" хиссадорлик жамиятига ҳам бироз тўхталиб ўтсак. Жамият раҳбар ходимларининг ўз ишларига ҳўжасизларча муносабатда бўлиши натижасида, бу ерда кўпгина қонун бузилиш ҳоллари юз берган.

Чунки, атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш ва зарарли моддалар миқдори ва таркибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қондалари бузилгани ҳолда, қорхонада чанг ва газ тозалаш ускуналарининг тозалаш даражаси текширилмаган. Жамият томонидан истеъмолчилар ва мол етказиб берувчилар билан тузилаётган шартномалар талаб даражасида ишлаб чиқилмаганлиги, яъни шартномаларда томонлар мажбуриятлари, шартнома шартлари, бир томонлама бажарилмаган ҳолатларда қўлланиладиган жарима миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар аниқ кўрсатилмаганлиги маълум бўлди.

Товар моддий бойликларни республикаимиз ҳудудидан ташқарига ноқонуний йўллар билан олиб чиқиш кетиж жиноят эканлигини ҳаммамиз биламиз. Лекин қозғонистонлик Ф.Турғунбоева ўз шериги Ўзбекистон Республикаси фуқароси С.Шерматова билан жиноий тил бириктириб, Тошкент туманидаги айланма йўл орқали Қозғонистонга Ф.Аҳмедов бошқарувидаги машина билан 2000 кг. жами 700 000 сўмлик "Тошмаргёғ" да ишлаб чиқарилган "Сутсиз маргарин" маҳсулотини олиб ўтаётган вақтда қонун ҳимоячилари томонидан ушланди.

Текшириш натижаларига кўра, қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида тақдиминома ва амрномалар киритилди. 50 нафардан ортиқ шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Б.ВОХИДОВ,
Тошкент шаҳар
прокуратурасининг бўлим прокурори.
Н.БЕДИЕВ,
журналист



Поёнтахтизмиздаги «Шератон-Тошкент» меҳмонхонаси.

«ТОШДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»



Ҳар бир мустақил мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини ўз Асосий қонунда кафолатлаб қўйган. Бироқ шуни алоҳида ифтихор билан айтиш жоизки, ҳеч бир мамлакат бизнинг ёш давлатимиздек ўз миллий мустақиллигининг дастлабки даврлариданоқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, уларнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, татбиқ қилмаган бўлса керак.

Маълумки, аҳоли сонининг ошиб бориши табиий равишда ишсизликнинг кўпайишига таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бу жараёнга қарши ўлароқ, жойларда ишчи ўринларини ташкил қилиш, мавжуд ўринлардан самарали фойдаланиш, ходимларни моддий ва ижтимоий рағбатлантириш, муҳофазасини таъминлаш нафақат давлат, балки ҳар бир жамоа корхоналари зиммасига таъсир қилади.

Худди шундай масъулиятни ибратли тарзда ало этиб келадиган корхоналардан бири «Тошкентдонмахсулотлари» дир. Вилоят ҳокимининг алоҳида фармойишига асосан корхонада «Она ва бола» Дастури ишлаб чиқилган.

Шунга мувофиқ, жамоалда меҳнат қиладиган кўп болали оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга белгиланган тартибда моддий ёрдамлар берилмоқда. Бундан ташқари, бир ойда бир марта ҳақ тўланадиган бир кунлик таътил белгиланган.

Шунингдек, ходимларнинг фарзандларини ёз мавсумида корхона ҳисобидан бепул дам олиш лагерларига юбориш режалаштирилган.

— Жамоамизда 148 та аёл меҳнат қилади. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, корхонамиз томонидан ходимларнинг моддий ва ижтимоий ҳимояси кўнгилдагидек олиб борилаётганлиги боис, кадрлар кўнимсизлигига барҳам беришга эришдик. Бу корхонамизнинг равнақига муҳим омил бўлиб хизмат қилган, — дейди кадрлар бўлими бошлиги Ҳалима Солиҳова.

Дарҳақиқат, раҳбар тадбир билган жойда ривожланиш, кадрлар тадбиркор бўлган жойда тараққиёт бўлади. «Тошкентдонмахсулотлари» ни худди шундай жамиятлардан бири дейишимизга тўла асослар мавжуд.



“ЎЗКУР” ЎЗБЕКИСТОН - ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Жаҳон иқтисодий таърибасида синалганки, иқтисодий тараққиёт эттиришида чет эл инвестициясини миллий ишлаб чиқаришга жалб қилиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “ЎзКур” қўшма корхонаси бунга яққол мисолдир. “ЎзКур”нинг асосий фаолият йўналиши тиббий шифобахш хусусиятга эга атир совунларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Қўшма корхона ташкил қилиш учун Ўзбекистон томонидан 98000 АҚШ доллари, Туркия томонидан эса 102000 АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритилган. Бу албатта, корхона таъсисчиларининг ўзаро тенг ҳамкорлик ҳамда тўғридан-тўғри ҳўжалик ва ишбилармонлик муносабатларини ўрнатишига асос бўлади, — дейди қўшма корхона раҳбари Икром Пайзиев.

Корхона фаолияти билан танишар экан-

миз, бир ҳолат диққатимизни тортиди: қўшма корхона янги иш ўринларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган. Бундан ташқари, ходимларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга, шунингдек, моддий манфаатдорликка мўлжалланган режаларни мустаҳкамлаш борасида қатор изланишларни олиб бормоқда.

Яна шуни айтиш жоизки, жорий йилдан бошлаб корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сонини яна биттага кўпайтириш режалаштирилган. Яъни, янги хилдаги тозалик биопасталари тайёрланади. Табиийки, бунда қўшимча ишчи кучи жалб қилинади.

Дарҳақиқат, бозор муносабатлари ҳар бир ишлаб чиқарувчидан маҳсулотининг сифатига, нархига катта эътибор қаратишни талаб қилади. “ЎзКур” қўшма корхонасининг бу борада олиб бораётган изланишлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Марҳамат, “ЎзКур” қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўринг, олинг, синаб кўринг,

ХАТО ҚИЛМАЙСИЗ!

«ТОШКЕНТ-ЛАДА»

Ўзбекистон-Россия очик турдаги ҳиссадорлик жамияти



кафолатли хизмат ва сифат



«ТОШКЕНТ - ЛАДА»
«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
«НЕКСИЯ», «ДАМАС» ВА «ТИКО»
АВТОМОБИЛЛАРИНИ
ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗДА
ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРДИР

«ТОЛА»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ



1959 йилдан буён пиллачиликка ихтисослашган «ТОЛА» корхонаси 1995 йилга келиб ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мана бир неча йилдирки, пойтахтимизда ягона бўлган ушбу корхона йилдан йилга ривожланмоқда, ибратли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Сир эмаски, шу кунларда радио, телевидение ва матбуот орқали пиллакорларимиз эришган ютуқлар ҳақида кўп гапирилмоқда. Уларнинг бундай самарали меҳнатлари, шубҳасиз, жамиятнинг узлуксиз фаолиятини таъминлайди.

«Тола» ҳиссадорлик жамиятининг ўтган йилги сарҳисоблари таҳлили шуни кўрсатдики, режа 208,8 фоиз адо этилган. Бу ҳолат ўз навбатида ушбу жамоа акциядорлари учун қўшимча даромад олиш имкониятини яратган.

—Айни пайтда жамоамизда 388 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шуни қувонч билан айтишим керакки, жамиятнинг шу даражага кўтарилишида ишчиларимизнинг самарали меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Қолаверса, бизга яқиндан ёрдам берган «Ўзбек штапи» уюшмаси раиси Абдуғаффор Аҳмадалиевга жамоамиз номидан миннатдорчилик билдиришчиган,—дейди жамият раҳбари Марат Акбаров.

Жамиятда белгиланган иш тартиби таҳсинга лойиқ; ҳомиёе учун олдиндан 50 фоиз ҳақ пилла етиштирувчиларга тўлаб бўлинган. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам ўтган йилга нисбатан ошган.

Ишчиларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида зарурий чора-тадбирлар кўрилган. Жумладан, ишчиларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус автобуслар ажратилган. Уларнинг маданий дам олишлари учун барча қулайликлар мавжуд.

—Ишчиларимизни ишдан ажралмаган ҳолда дам олиш кунларини мазмунли ўтказишлари учун юртимизнинг тарихий обидаларига, мўътабар зиёратгоҳларига, шунингдек, тоғларга экскурсиялар уюштириш одат тусига кирган,—дейди Марат ака суҳбат давомида.

Дам олиш жараёнини яхшилашга қаратилган бу каби тадбирлар ўз навбатида «Тола» ҳиссадорлик жамиятида иш самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Бу, албатта, мамлакатимизнинг иқтисодий равнақ топишида, бундан ташқари, олам аро ўзбек атласининг даврағи янада ошиб боришида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилаяпти.

«НАМУНА - СЕРВИС»

ишлий ишлаб
чиқариш корхонаси



Ҳашоратларга,
кемирувчиларга
ва патоген
микробларга
қарши курашда
ўз хизматини
таклиф
этади.

МАНЗИЛ:

Тошкент ш., Мавлонов кўчаси, 37. Тел.: 54-90-51, 180-65-15.

SM-service

ИХТИСОСЛАШГАН ФИРМАСИ


Барча турдаги компьютер, факс, принтер ва нусха кўчириш техникаларини таъмирлаш, сервис хизмати кўрсатиш; Мониторларни таъмирлаш; Нусха кўчириш аппаратларининг картрижларини тиклаш; Компьютерларни такомиллаштириш; Дастурлар билан таъминлаш; «Вирус»лардан даволаш; Полиграфия ва нусха кўчириш хизматлари; Камёб аппаратларни тонерлар билан таъминлаш ишларини аъло даражада бажаради.

Манзил:
Тошкент ш.,
Ц-5, 38-уй, 7-офис.

Мурожаат учун
телефонлар: (3712)
35-10-30.
Факс: (371)
137-66-20.

ХАЛҚАРО ХАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР



АЭСларсиз дунё сари

ЖОРИЙ йилнинг 11 июни нафақат немис энергетикалари учун, балки бутун Европа учун ҳам муҳим тарихий санага айланса ажаб эмас. Бундай дейишимизнинг боиси, шу санада Германия ҳукумати ва энергетика компаниялари узок музокаралардан кейин ҳозирги кунда мамлакатда мавжуд бўлган атом электр станциялари (АЭС) фаолиятини тўхтатиш тўғрисида бир битимга келганликларидир. Мазкур битим тарафдорлари фикрича, 2021 йилга келиб Германия ҳудудида бирорта АЭС фаолият кўрсатмайди.

Аслини олганда, ядросиз келажак ҳақидаги гоғлар сермулоҳаза немис халқи орасида ўтган асрнинг сўнгги йилларидаёқ тарқалиб улгурган эди. Глобал аҳамиятга эга бўлган мазкур ядросиз келажак гоғсини дастак қилган канцлер Шредер 1998 йилги сайловларда муваффақият қозонганди. Ушунда Шредер ҳукумат таркибидаги "яшиллар" эътиборини тортган эди. Кўплаб экологик ташкилотлар ва кўпчилик сўл кайфиятдаги сиёсатдонлар кўллаб турувчи "яшиллар" партияси эса Германиянинг сиёсий муҳитида улкан таъсир кўчига эга.

Сўнгги йилларда мазкур мамлакатдаги оммавий чиқишлар ва бошқа турдаги норозилик ҳолатлари моливий ёҳуд ҳуқуқий масалаларга эмас, балки экологик муаммолар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Мисол учун, мамлакат ҳудудидан ядро қолдиқлари олиб ўтилишига қарши тез-тез бўлиб турадиган норозилик чиқишлари репортёрларнинг асосий даромад манбаига айланганидан кўпчилик хабардор.

Иқтисодчиларнинг фикрича, "тинчлик мақсадидаги атом"дан воз кечиш, айни кунда 19 та АЭС фаолият кўрсатаётган Германия учун анча қимматга тушар экан. Эслатиб ўтиш жоиз: мазкур АЭСлар мамлакат электр энергиясининг учдан бирини етказиб бермоқда.

Сўлар ва "яшиллар" нуктаи назарича, тасдиқланган битим ҳукумати ва энергетика компанияларини энергия манбасининг янги технологиясини топишга фаолроқ ундайди. Германиянинг экология вазирини Юрген Триттин ушбу битимни тарихий ҳужжат деб баҳолади. Унинг фикрича, ушбу ҳужжат атом эрасининг тугаши ва энергиянинг янги манбалари эраси бошланишига қўйилган муҳим қадам бўлади.

Немис тажрибаси Германия чегаралари ичида қолиб кетиши албатта, мумкин эмас. Бу ҳолат айниқса, немисларнинг азалий рақобатдаги қўшнилари французларни ҳам бефарқ қолдирмаслиги табиий. Чунки Франция ўз электрэнергетикага бўлган эҳтиёжининг 40 фоизини АЭСлар ёрдамида қоплаши билан бирга атом энергетикаси соҳасидаги ва ядровий чикиндиларни қайта ишлашчи энг илгор мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Юрген Триттин Европа давлатларини ҳам шу йўлни туттишга чақирар экан, Россияга алоҳида тўхталиб ўтди. Унинг фикрича, Россия мазкур соҳа орқасидан даромад қилишга зўр бериш билан ўз хавфсизлиги ҳақида қўпам қайғурмаяпти. Чунки ядровий чикитларни сақлаш ва қайта ишлашнинг хавфсизлиги ҳеч қачон мутлоқ кафолатланмайди ва кафолатланмаган ҳам.

АЛВИДО, ОПЕК!

ДУШАНБА кунин Индонезиянинг энг йирик нефть қазиб чиқарувчи Pertamina компанияси раҳбари Бойҳақи Ҳаким тахминан 4 йилдан кейин Жакарта ОПЕК таркибидан чиқишга тайёр бўлиши керак, деган фикрни илгари сурди. Чунки бу вақтга келиб мамлакат нефть захирасининг "таги кўриниб" қолар экан.

Б.Ҳакимнинг нуктаи назарича Индонезия бундан кейин нефть экспорт қилувчи давлатлар сафидан туrolмайди. Бу ҳақда Pertamina раҳбари Куала-Лампурда бўлиб ўтган нефть ва газ қазиб чиқарувчи Осиё мамлакатлари конференциясида маълум қилган.

ИМТИҲОНЛАР ОЛДИДАН

ДУШАНБА кунин Эрон полицияси томонидан норозилик намойиши иштирокчилари бўлган талабалардан 5 нафарини ҳибсга олинганлиги ҳақида хабар тарқалган эди. Намойиш иштирокчилари битириш имтиҳонларининг мактаб ўқув дастурларига мувофиқ келмаслигига ўз норозилиklarини билдиришга чиқишган. Пойтахт Техрон ажинидаги шаҳарчалардан бирида, Эрон таълим вазирлиги биноси ёнида бўлиб ўтган худди шундай намойишда талабарлар дарслик китобларини намойишкорона йиртиб ташлашган. Бу билан улар имтиҳонлардаги саволларнинг дарсликлар ва ўқув дастурига умуман тўғри келмаслигини ифода қилишди.

Полиция намойиш иштирокчиларини тарқатиб юборди. Мазкур масала юзасидан мутасадди қўмиталар ислохотлар ўтказиш тараддугига тушиб қилишди.



Фаластин. Зўравонликларга қарши намойиш

ГЛОБАЛИЗАЦИЯ КЕРАКМИ?

АҚШ президенти Жорж Бушнинг Испанияга ташрифи қарши норозилик намойишига чиққан минглаб мадридликлар пойтахт кўчаларини тўлдириб юборишди. Жорж Бушнинг Европа бўйлаб расмий ташрифлари айнан мана шу мамлакатдан бошланиши кўзда тутилган эди. Президент Буш мазкур ташрифи давомида Россияга келиши ва Владимир Путин билан учрашиши кутилмоқда.



Мадриддаги мазкур намойиш бирлашган Сўлар ҳаракати ва бошқа антикапиталистик кайфиятдаги гуруҳлар, шунингдек касаба уюшмалари томонидан уюштирилди. Расмий манбаларда Жорж Буш ташрифи маъқулланаётган бўлса-да, воқелик бу ташрифга қарши бўлганларнинг кўплигини кўрсатиб турибди.

"Бушнинг Европадаги ташрифи империянинг ёвуз кифасини ифодалайди, — деди яқанба кунги митингга Испания касаба уюшмалари раҳбари Адольф Именес. — Бу америка қўшинларининг испан базаларида ўрнашуви билан яқун топувчи ҳамкорликка томошабин бўлиб туrolмаймиз".

Намойишчилар кўтарган шiorларда "Йўқолсин глобализация", "Ковбой Атилла" ва ҳатто "Буш Толибон" каби жумлаларни ўқши мумкин эди. Танқидларнинг кўпи Испания бош вазирини Хосе Мари Азнар шахсига ҳам қаратилган бўлиб, уни "Шерифнинг Европадаги биринчи ёрдამчиси" бўлишга ҳаракат қилаётганликда айблашмоқда.

Бушнинг Европадаги илк ташрифидан кўзланган мақсад, манбаларнинг таъкидлашича, "саркаш" Кубага қарши эмбарго ва яна ўша ракетага қарши миллий мудофаа тизимининг мақбулликга ишонттиришдан иборат.

"Биз Бушга айтишимиз керак: у сайёранинг ёки глобализациянинг шерифи эмас, унинг бутун дунёни ижтимоий-иқтисодий, экологик хавф остига қўйишга ҳаққи йўқ". Бу билан намойишчилар АҚШнинг сўнгги йилларда тутатган ташқи сиёсатидан норозилигини ифодалашга ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, намойишчилар АҚШда амалда бўлган ўлим жазоси, аёллар ҳуқуқи, "учинчи дунё" мамлакатларидан қарзларини кечмаслиги каби масалаларга ҳам эътибор қаратилмоқда.

ҚИСКАЧА

Бугун Россия ХХКга қарашли Ан-30Б разведкачи самолёти Финляндия ҳудудида Ревение-Хелсинки йўналиши бўйлаб парвозни амалга оширади. Финляндия мудофаа вазирлигининг хабар қилишича, мазкур парвоз халқаро микросдаги "Очк осмон" дастурига мувофиқ амалга оширилади ва бу давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончини мустаҳкамлайди. Парвоз давомида бошқа ҳарбий манбалардан олинган ва ўзаро алмашинган ахборотлар таққослаб қўрилади. Фин ХХК учувчилари Россия ҳудуди бўйлаб худди шундай парвозни ўтаётган йилнинг апрель ойида амалга оширган эди.

Минск шаҳрида МДХ давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви юзасидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Учрашувда ҳамдўстлик таркибидидаги 10 давлат раҳбарлари иштирок этишди. Мазкур учрашувда Тожикистон ва Туркменистон президентлари қатнашмади.

Учрашувда давлат раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Туркиянинг Сурия билан чегарадош жанубий-шарқий ҳудудларидан турк хавфсизлик қучлари ва курд айирмачилари ўртасида тўқнашув юз берди. Отишмалар ўтган ҳафта охирида бошланган бўлиб, яқанба кунин анча хиддий тус олди. Туркия ҳукуматининг тарқатган хабарига қараганда, тўқнашув чоғида хавфсизлик қучлари талафот қўрмаган, 2 нафар курд жангариси қурбон бўлган.

ПОЙТАХТДА ҲАММА ЁҚ ТИНЧ

АЛБАН айирмачиларининг македон ҳукуматига юборган ультиматумига қарамай, Македония армияси мамлакат шимолдаги жангарилар ўрнашиб олган қишлоқларга ҳужумларини давом эттирмоқдалар. Утган жума кунин тунда 1000га яқин албан жангариси пойтахт Скопьеда 10 қақирим узокликдаги Арачинова қишлоғини эгаллаб олинган ва македон ҳукуматидан ўққа тутишни тўхтатишни талаб қилишган эди. Агар македон қўшинларининг жангарилар манзилларига қилаётган ҳужумлари тўхтатилмаса, Скопьега ҳужум қилажакларини маълум қилишган эди.

Айни кунларда этник албанларнинг яна 10 мингдан кўпроги уруш кетаётган минтақани ташлаб чиқиб кетган. Тугилиб ўсган тупроғини ташлаб кетаётганлар орасида Арачинова қишлоғи аҳолиси ҳам бор. Уларнинг кўзлаган манзиллари қўшни Косова ерларидир. Қочоқлар сонининг кескин ошиб бораётгани, минтақада этник тозалаш ўтказилаётгандек тасаввур

уйғотади. Ҳозирга қадар қўшни Косовага ўтиб кетаётган этник албанлар сони 30 мингга етиб қолгани ҳам шундай фикр тугилишига туртки бўлади.

Скопьеда эса ҳозирча ҳаммаёқ тинч. Кўчаларда ортиқча патруллар кўзга ташланмайди.

Албан айирмачилари лидери, Хўжа исмли дала командирининг яқанба кунин ультиматумида пойтахт Скопьедаги аэропорт, нефтни қайта ишлаш заводи ва катта автомагистрал каби муҳим аҳамиятга эга объектларга ҳужум уюштириши мумкинлиги баён этилган эди. Дала командири Хўжа ўз қўшинларида бунинг учун имконият борлигини таъкидлаган бўлса-да, кузатувчиларнинг фикрича, албанларнинг пойтахт марказига етиб келишлари амри маҳол.

Би-би-си муҳбири Пол Андерсоннинг Скопьеда хабар беришича, пойтахтга қилинажак ҳар қандай ҳужум Македония ҳукумати учун фоживаий яқун топиши мумкин экан.

"ЧЕЧЕН СИНДРОМИ"

РОССИЯ давлат думаси депутати Асломбек Аслаханов "Чеченистондаги ҳарбий операцияларда иштирок этиб қайтган ҳарбий хизматчилар "қотилликка ёллаш учун тап-тайёр одамлар" бўлиб етишадилар" дея ирод қилишга журъат этди. Шунингдек, депутат чечен тупроғидаги ҳар бир "тозалаш" оммавий қалтаклашга айлиниб кетишини ҳам яшириб ўтирмади. "Федерал" лар машинасида олиб кетилган қишлоқларнинг исзиз йўқолиши тез-тез содир бўлиб туради. Аслаханов яна шунга ургу бердики, Россия ИИБ ходимларининг шимолги Кавказдаги "тийиқсизликлари", ушбу ходимлар у ердан қайтганларидан кейин ҳам мамлакатнинг турли жойларида ўз инъикосини бериши эҳтимолдан узок эмас экан.

БОКС



ЧАГАЕВ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

МАМЛАКАТНИНГ обрўсини мустахкамлашда, фуқароларда миллий гурур туйғуларининг юксалишида спортчиларнинг жаҳон миқёсидаги катта мусобақаларда эришган ютуқлари муҳим ўрин тутди.

ўтган жангларда боксчиларимиз энг кучлилардан эканлигини яна бир бор исботлади.

Гарчи, 6 боксчимиз ярим финалгача етиб боролмаган бўлсалар-да, улар ҳам рақибларига жанглари осонликча бой бериб қўймагандан, сўнгги дақиқача галаба учун астойдил курашдилар.

Ярим финалга чиққан уч боксчимиздан бири Шерзод Хусанов кейинчалик жаҳон чемпиони бўлган боксчига ютқазиб, бронза медалига эга бўлган бўлса, 1999 йилги жаҳон чемпиони Ўткирбек Хайдаров ярим финалда шу унвон учун асосий даъвогар ҳисобланган кубалик боксчи билан бўлган жуда оғир жангда матонат кўрсатиб, бир очко фарқ билан қийин галабага эришиб, финалга чиқди.

Бир кундан сўнг россиялик А.Гоголев билан бўлган кескин жангда олдинги ўйиндаги кучли толиқиш панд берди шекилли, кичик фарқ билан ютқазиб қўйиб, қумуш медал совриндори бўлди. Сўнгги жаҳон биринчилиги ва Олимпия ўйинларида бирмунча муваффақиятсиз қатнашган, ўзбек боксининг эркин юлдузларидан бири Руслан Чагаев барча рақибларини, шу жумладан кучли боксчиларни катта устунлик билан маълумиятга учратиб, яна жаҳон чемпиони бўлди.

Бу жаҳон чемпионатида 12 та вазн тоифасидан 7 тасида кубалик боксчилар жаҳон чемпиони бўлганлигини, бокс энг ривожланган АҚШ, Украина, Қозоғистон вакиллари қумуш медал билан қифолянганликларини эътиборга оладиган бўлса, боксчиларимизнинг биттадан олтин, қумуш ва бронза медалларига эга бўлишлари, сўзсиз жуда катта галабадир.

А. Абдуганиев

БОШҚОТИРМА

Д	М	Т	М	Ғ	М	М	М	О	Ш	О	С	Р	М	Б
У	О	У	У	А	А	А	А	З	А	М	У	Е	А	А
Ш	Ж	Р	Ш	С	Р	С	Л	О	Р	О	Х	К	Л	Л
Ғ	Ф	Ф	Ш	Д	С	Р	Д	Р	Р	Т	М	Ш	И	В
И	А	И	У	А	О	И	О	О	А	И	О	О	А	Ш
Т	Т	Қ	Қ	Т	Н	Й	Х	Р	Қ	Қ	Р	Қ	Қ	А

Ушбу бошқотирмани ҳал этиш учун ўртага уч ҳарфдан иборат шундай сўزلарни қўйиш лозимки, натижада иккита янги сўз ҳосил бўлсин. Фақат ўртага исталган ҳарфлар бирикмаси эмас, балки муайян маънони аниқлашчи сўзлар қўйилиши керак.

Тузувчи: **Т.УМАРОВ**, Тошкент вилояти

FORMULA-1



Якшанба кuni Монреалда бўлиб ўтган Формула-1 гран-при автопойгасида Williams жамоаси вакили Ральф Шумахер биринчи бўлиб маррани забт этди ва бу билан чемпионатдаги ўзининг иккинчи галабасини нишонлади. Иккинчи ўрин эса унинг укаси, Феррари жамоаси аъзоси Майклга насиб этди. Ака-укалар автопойгачилар одатига кўра, галабаларини шампань ичимлиги билан ювдилар.

ЛАТИФАЛАР

Икки чукча шаманнинг олдида келиб мўъжиза билан ёмғир ёғдириб беришини сўрабди.
— Йўк, мўъжиза бўлмайди, — дебди шаман, — чунки ўзларинг мўъжизага ишонмайсилар.
— Нега ишонмас эканмиз?
— Ишонганларингизга ёмғир пўшуда келардинглар...

Ўқитувчи:
— Эшматов, Колумбнинг саёҳати тўғрисида гапириб бер-чи!
— Хў-ўш, қисқаси Колумб қаёққа сузиб кетаётганини, уйига келганида эса қаёқдан келганини билмас эди...

Мухбир 100 ёшли отахондан гап олапти:
— Сиз узок йиллик ҳаёт тажрибангиздан келиб чиқиб, об-ҳавони олдиндан айтиб бера оласизми?
— Ҳа...
— Унда сир бўлмаса, айтинг-чи бирор белгисини?
— Ҳув анови дарахт сизга яхши кўринаптими?
— Яхши кўринапти.
— Агар ўша дарахт менга ҳам яхши кўринса, демак ёмғир ёғмайди.

— Яхши кўринмаса-чи?
— Унда ёмғир ёғаётган бўлади.

Муסיқа ўқитувчиси шўхрок ўқувчини огоҳлантирапти:
— Айтиб қўяй, агар тўполон қилишни йиғшитирмасанг, ота-онангга сени муסיқага истегьдоди бор деб айтаман...

Қайнона кўевидан сўрапти:
— Айтинг-чи, сиз қизимни биринчи марта кўрганнгизда нималар ҳақида ўйладингиз?
— Мен "унинг онаси жудаям гўзал бўлса керак" деб ўйладим.

Шифохонада:
— Бемор, ҳой бемор, турсангиз-чи, сиз ухлатадиган дори ичишингиз керак, ахир!

КАШФИЁТ

АНТИҚА АВТОБУС

Буоқ Британияда ўтказилган навбатдаги автомобиллар кўргазмасида Scania компанияси ўзининг экологик жиҳатдан тоза деб ҳисобланаётган автобусини (fuel cell) намойиш қилди.

Автобус "томи"да махсус баллон ўрнатилган бўлиб, унда юқори босимдаги водород сақланади. У ёнилғи моддалари ва кислород билан муносабатга киришиб, сувга айланади. Реакция мобайнида электр ажралиб чиқади ва бу энергия билан мотор-редуктор воситасида автобус йилдираклари ҳаракатга келади.

Ушбу "ёкилғи"нинг фойдали иш кўрсаткичи 52-57 фоизни ташкил этади, бу замонавий дизел двигателларининг кўрсаткичидан тахминан 60 фоиз юқоридир. Тормозланган вақтда электромоторлар рекуперация режимига мослашиб генератор каби ишлаб бoshлайди. Ҳосил қилинган электр энергияси эса 600 вольт кучлиги билан аккумулятор батареясига йиғилади.

Автобусни яратишда Scania компаниясидан ташқари Финляндия, Италия, Германия автомобилсозлик фирмалари қатнашдилар. Лойиҳанинг қиймати — 4 миллион АҚШ долларига тенг.

Р.СОЛИЕВ

ФУТБОЛ

ИККИ КАРРА ГАЛАБА



Терма жамоамизнинг ЖЧ саралаш ўйинларидаги иштироки туфайли миллий чемпионат ўйинларига эътибор бироз сусайгандек эди. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиб, ҳатто куръа ҳам бизга нисбатан кучсиз жамоаларни (Эрон, Саудия Арабистони, Ироққа таққослаганда) рўбарў этгач, иккинчи босқич ўйинлари 17 август кuni бошланиши боис кўпчиликнинг эътибори яна олий лига баҳсларига қаратилди.

Ўтган якшанба кuni Тошкентда 15-турнинг асосий учрашуви бўлиб ўтди. Ҳар галгидек чемпионлик учун дадил оидимлаётган "Нефтчи" "Пахтакор"ни ўн беш мингга яқин мухлисларнинг кўз ўнгида 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Буни "Пахтакор" учун икки карра ютқизиб десаям бўлади. Чунки олтин медалдан умидвор тошкентликлар учун чемпионат охирида айнан мана шу олма-юз ўйинда йўқотилган очколар панд бериб қўйиши мумкин.

Чемпионлик йўлида фарғоналикларнинг асосий рақиб бўлган "Насаф" "Нефтчи"ни таъкиб қилишда давом этапти. Қаршилиқлар Термизда "Сурхон"дан устун келиши — 2:4.

Қолган ўйинларда куйидаги натижалар қайд этилди: "Зарафшон" — "Трактор" — 3:0, "Навбахор" — "Қизил-

кум" — 1:0, "Семург" — "Бухоро" — 1:6, "Металлург" — "Андижон" — 3:2, "Кимёгар" — "Сўғдиёна" — 0:0, "Турон" — "Академия" — 0:0, "Дўстлик" — "Самарқанд" — 2:0. Чемпионат тугашига ҳали анча вақт бўлса-да, олий лигани тарқ этувчи икки жамоанинг номи мана ман деб кўзга ташлаб қолгандай...

Кўплаб мухлисларнинг истакларини инобатга олиб, Ўзбекистон терма жамоасининг ўйинлар жадвалини эътиборингизга ҳавола этаёямиз.

ЖЧ 2-босқич саралаш ўйинлари. "В" гуруҳи

- 17 август БАА — Ўзбекистон (Абу-Даби)
- Қатар — Уммон (Доха)
- 25 август Хитой — БАА (Шеньян)
- 26 август Ўзбекистон — Қатар (Тошкент)
- 31 август Уммон — Хитой (Мускат)
- БАА — Қатар (Абу-Даби)
- 7 сентябрь Қатар — Хитой (Доха)
- 8 сентябрь Ўзбекистон — Уммон (Тошкент)
- 14 сентябрь Уммон — БАА (Мускат)
- 15 сентябрь Хитой — Ўзбекистон (Шеньян)
- 21 сентябрь Уммон — Қатар (Мускат)
- 23 сентябрь Ўзбекистон — БАА (Тошкент)
- 28 сентябрь БАА — Хитой (Абу-Даби)
- Қатар — Ўзбекистон (Доха)
- 5 октябрь Қатар — БАА (Доха)
- 7 октябрь Хитой — Уммон (Шеньян)
- 13 октябрь Уммон — Ўзбекистон (Мускат)
- Хитой — Қатар (Шеньян)
- 18 октябрь БАА — Уммон (Абу-Даби)
- 20 октябрь Ўзбекистон — Хитой (Тошкент)

Зухриддин МАРДОНОВ